

Andijon shahar, Navoiy shox ko'chasi, 33 uy Tel/faxs: (374) 223-59-89 H/r 20208000104004480001
ATIB Ipoteka bank Andijon filiali MFO 00059 INN 202613599 Erkinaudit@mail.ru

20.01.2019
03

"Asaka yog" Акциядорлик жамиятига

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида 2013 йилнинг 7 августида 492-сон ракам билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008 йил 7 мартда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи 00262-сон лицензияси эгаси масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Erkin-Audit XXI» аудиторлик ташкилоти, Андижон шаҳар, Навоий шох кўчаси 33 уй, АТИБ «Ипотекабанк» Андижон бўлими, ҳисоб рақами № 20208000104004480001 МФО 00059, ИНН 202613599, ОКОНХ 84400, Веб-сайт: www.erkinaudit.uz, mail:erkinaudit@mail.ru, томонидан, «Asaka yog» Акциядорлик жамиятини билан 2019 йилнинг 10 феврал санасида тузилган 08-04/19-сонли шартномасига асосан, жамиятнинг 2018-йил учун тузилган молиявий ҳисоботларини 2019 йилнинг 12 февралидан 01 мартга қадар бўлган давр мобайнида аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор, Хусанов Ш.Б. 06.02.2001 йил санасида берилган малака сертификати №00801, аудитор, Пирматов Б.А 24.08.2013 йил берилган малака сертификат №05141 томонидан хўжалик юритувчи субъект «Asaka yog» Акциядорлик жамиятининг Молиявий ҳисоботлари №1 «Баланс», №2 «Молиявий натижалар», №3 «Пул оқимлари», №4 «Хусусий капитал» дан иборат 2018 йил 31 декабр ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботларини ишончилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Asaka yog» Акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча «Asaka yog» Акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

«Erkin-Audit XXI» МЧЖ
Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор
Халқоро сертификат (САР), СНБ
Аудитор:
Халқоро сертификат (САР), СНБ



Ш.Б. ХУСАНОВ

Б.А. ПИРМАТОВ

01 MAR 2019